

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил январь ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг Олмазор тумани “Ғани Аъзамов” маҳалла фуқаролар йиғин биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья В.Карамановнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Салимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Олмазор туман прокурори катта ёрдамчиси А.Абдузоҳиров, судланувчи Б.Нормухамедов ва унинг ҳимоячиси адвокат Р.Исмаилов, жабрланувчи Г.Хусанова, фуқаровий даъвогар А.Мадумаровларнинг иштирокида,

Нормухамедов Баходир Эргашович, 1967 йил 6 февралда Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, ишламайди, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, “Чуваличи” маҳалла фуқаролар йиғини, Ширинбулоқ кўчаси, 8-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 4 октябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-1008-2207/751-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан Б.Нормухамедов, 2022 йил 5 август куни соат 22:30 ларда, бошқарувида бўлган “DAMAS” русумли давлат рақами 10 W 843 QA бўлган автомашинасида Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси бўйлаб, Нурашфон кўчаси томонидан Форобий кўчаси томонга ҳаракатланиб келиб, “Йўл ҳаракати қоидаларининг” 4-банди 1-қисми, 11-банди “г” қисми, 77-банди 1-қисми ва 3-қисми ҳамда 135-банди 4-қисми талабларини бузиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этиб, натижада йўлни кесиб ўтаётган пиёда Г.Хусановага ҳаёт учун хавfli бўлган оғир шикаст етказилишига ҳамда А.Маумаровга тегишли бўлган “DAMAS” русумли давлат рақами 10 W 843 QA бўлган автомобилга моддий зарар етказилишига сабабчи бўлиб, судланувчи тариқасида жалб қилинган.

Мазкур жиноят ишини суд мажлисида кўриш давомида жабрланувчи Г.Хусанова судга ярашув тўғрисидаги ариза тақдим қилиб ва аризасини қувватлаб, Б.Нормухамедовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.



Мазкур жиноят ишини суд мажлисида кўриш давомида фуқаровий даъвогар А.Мадумаров судга ярашув тўғрисидаги ариза тақдим қилиб ва аризасини қувватлаб, Б.Нормухамедовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Мазкур жиноят ишини суд мажлисида кўриш давомида судланувчи Б.Нормухамедов ҳам судга ярашув тўғрисидаги ариза тақдим қилиб ва аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳамда судланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, тарафларнинг фикрини эшитиб, судланувчи Б.Нормухамедовнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи, фуқаровий даъвогар ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Б.Нормухамедовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва судланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топди.

Ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг Нормухамедов Баходир Эргашовичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек суд, ашёвий дали тақдирини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган ва жиноят иши билан бирга сақланаётган, ўқидиса содир бўлган ҳолат тасвири қайд этилган бир дона DVD диск жиноят ишига қўшилганлигини қайд қилишни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисим,
585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи Нормухамедов Баходир Эргашовичга нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг Нормухамедов Баходир Эргашовичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ва жиноят иши билан бирга сақланаётган, ҳодиса содир бўлган ҳолат тасвирланган бир дона DVD диск жиноят ишига қўшилганлиги қайд қилинсин.

Ажрим устида йигирма сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

В.Караманов

Нусхаси аслига тўғри:

